
ТАДБИРКОР ДЕПУТАТ ТАШАББУСИ ВА ҲОМИЙЛИГИДА ФАРҒОНА ТУМАНИДА 19 НАФАР ЭҲТИЁЖМАНД ОИЛА ФАРЗАНДЛАРИНИНГ СУННАТ ТҮЙЛАРИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллик байрами тантаналари арафасида вилоятимизда саховатпеша тadbиркорлар ҳомийлигида ўтказилаётган кўплаб саховат тadbирларининг навбатдагиси бугун Фарғона тумани Миндон қишлоғида бўлиб ўтди. Tadbиркор депутат Бегзоджон Раимов ташаббуси ва ҳомийлигида маҳалладаги 19 нафар эҳтиёжманд оила фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди, 800 нафарга яқин маҳалла аҳли учун дастурхон ёзилди. Tadbирда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ҳам иштирок этди.

Тўйлари ўтказилаётган тўйболаларни табриклаш учун сўз олган вилоят раҳбари уларнинг Ватанимиз, халқимиз хизматида бўладиган етук инсонлар бўлиб етишишларига тилак билдирди. Хайрулло Бозоров Давлатимиз раҳбари бошчиликларида сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлардан, яратилаётган шароитлардан самарали фойдаланаётган вилоятимиз тadbиркорлари, одамларни иш билан таъминлаш, иқтисодиётни кўтариш билан бирга, хайр-саховат борасида ҳам салмоқли ишларни амалга ошираётганликларини таъкидлади.

Тўйда болаларга янги сарполар кийдирилиб, ҳар бирига велосипед ва бошқа қатор совғалар топширилди, уларнинг номига тadbиркор томонидан банкда омонат дафтарчалари очилиб, тўёна маблағ ўтказилди.

Вилоятимиз таниқли санъаткорлари ижросидаги куй-қўшиқлар тўйга йиғилган маҳалла аҳлига байрам кайфиятини улашди.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг [Facebook](#), [Telegram](#), [Facebook](#), [YouTube](#), [Instagram](#)

2022-08-11 17:45:09